O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 15 IYUN
SHANBA
№ 75 (26.934)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ — ЎЗЛИГИМИЗ, ЎЗБЕКЛИГИМИЗ

БЕШИК. БОЛА. ОНА. ДУНЁ...

Бешик тебранади. Она алласи таралади. Олам уйғонади. Гўдак учун илк Ватан Бешик. Буюкларни бағрига олган она каби суюкли бешик. Аслида болалик тасаввурлари шундан бошланади. Илк ҳайратлар туғилади унда. Баҳодир, беназир, бургут, ботир, бийрон, бол, болалигим балқиган осмон — Бешик.

Камалакдек товланар бешик. Турфа ранглар ила безатилган у. Илк туйғулар, рангин хаёллар гўдак қалбин масрур этади. Бахт рангини излар, гўдак кўнглим.Тинчлик рангларини излайди қалбим. Журъат рангларига ғарқ бўлар борлиқ. Гўдак қўлларини узатади осмонга... У илк бор, қўлларини узатган кенглик — бешик. Унинг нигоҳлари етиб борган мовий осмон — беғуборликдир.

Бешик — кўприк. Авлодлар орзуси ўтиб боради. Байрамлар, байтларни ўқиб боради. Дунёда илк қўшиқ бўлган алланинг кечмиши, ўтмиши кетиб боради. Масъум тахайюлим, бемисл дунём бешик.

Бешик — чопиб кетаётган учқур хаёлим. Ортда қолаётган шаффоф болалик. Мангу соғинчимдир онамнинг меҳри. Тез ўтмоқ қисматдир. Илк кунларингдан оқар сув янглиғ йўрғалар умр.

Тутдан туғилади бешик. Толдан яралади бешик. Ҳар иккала дарахт оғочлари ила секин тебранади бешик. У тириклик, узвийлик, боқийлик. Бунчалар бокира, шоҳ битик бешик. Бадиа битмоққа ожиздир сўзлар. Булоқдек покиза Ватандир бешик.

Кўксингда уйғонади осмон. Юрт омон. Оналар йўқловлар айтмайди, бунда. Жангоҳлардан хатлар кутмайди. Она айтса алла айтади. Ота олса, олади бешик. Сурнай чалинади.



Карнай тортади наъра. Ясатилган бешикка айтилар ялла. Қувончлар балқийди. Хаёллар қалқийди. Гўдак ҳидларига тўлади олам. Она шодлигидан шеър битар қалам. Бешик тўй бошланар. Бешикка беланар бола. Сочқилар сочади момолар. Болалар қўлида ширинлик. Оҳ, бунчалар ширинлик ҳаёт.

Тошкентда қадимий бешик усталар ясаган бешиклар бугун ҳам болани тебратаётир. Бир пайтлар Тошкентнинг жин кўча маҳалласида бешикчи усталар гузари бўларди. Улуғ бешикчилар Асад, Қаюм, Мажид, Мираҳмад, Миразиз, Мирқосим, Мирғиёс, Мирсаид оталарни худо раҳмат қилган бўлсин, илоҳим. Улар бу буюк меросни бугунги кунларимизгача етказиб келдилар.

Мирвоҳид Миралим ўғли, бешик устаси: — Менинг бобом Мирҳаким Тошкентнинг довруқли бешик устаси бўлганлар. Бу ишни кейинчалик отам Миралим давом эттирганлар. Мен ҳам 15 ёшимдан мустақил равишда бешик ясай бошлаганман. Ҳозир 62 ёшдаман. Ўғилларим Миркамол, Миржамол, Миржалол, Мирпўлат, Мирсуннат, Мирҳайдарлар ҳам бугун бешик усталари. Бешик бўлакларини ўз номлари бор: кўприк, помбоз, гилдивоз, эмоч, кубба, боча, сих, нарванай, йўрға каби. Буларни кўпчилик билмайди.

Собир Раҳимов туманидаги Ботир Зокиров кўчаси, ҳунармандлар растасида бешик билан савдо қиладиган хусусий дўконим бор.

Истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз тикланди. Ҳунармандларга жуда катта эътибор берилмоқда. Беш йилга солиқлардан озод қилинганмиз. Бу муддат яна уч йилга узайтирилганидан бошимиз осмонга етди. Хонадонларимизда гўдаклар туғиларверсин, бешик тўйлари бўлаверсин.

Унинг бу гапларини бошқа усталар, ҳунармандлар ҳам қўллаб-қувватлашди.

Инсоният кашф этган, бетакрор санъат асари — бешик минг йиллар давомида болалигимиз Ватанига айланиб қолди. Халқимиз айтганидек:

Она бешикни тебратар,
Бешик болани тебратар,
Бола дунёни тебратар...

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ ЛОНДОНДА

ЛОНДОННИНГ «ХУМАЙ» ГАЛЕРЕЯСИДА «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» ДЕБ НОМЛАНГАН БАДИИЙ-ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Марказий Осиё ва Кавказ рассомлари асарлари намойиш этилаётган ушбу кўргазмада юртдошимиз Бобур Исмоилов ҳам иштирок этмоқда.

Унинг шарқ маданияти ва анъаналарини акс эттирувчи асарлари кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Лондонлик санъат шайдоларининг айтишларича, Бобур Исмоиловнинг ўз юртига, унинг тарихи ва бой маданиятига бўлган юксак муҳаббати ила суғорилган асарлари кишида серқуёш ўлкамиз ҳақида ўчмас тасаввур уйғотади.

Айтиш жоизки, Бобур Исмоилов асарлари қатор халқаро кўргазмаларда намойиш этилган ва мутахассислар ҳамда санъат шайдолари томонидан юксак баҳоланган. Лондон кўргазмаси ҳам бундан мустасно эмаслигига ҳеч шубҳа йўқ.

■ **М.ЁҚУБОВ,**
«Жаҳон» АА
Лондон.

БИРИНЧИ МАЖЛИС

Фаластин автономияси раҳбари Ёсир Арафот янги тузилган Вазирлар Маҳкамасининг биринчи мажлисини ўтказди. Унда Арафот 20 ойдан бери давом этаётган қарама-қаршиликларни энди тинч йўл билан ҳал этишга киришганлиги ҳақида баёнот берди. Шунингдек, Фаластин махсус хизматини қайтадан ташкил этиш, 2003 йилнинг бошларида эса сайловларни ўтказиш борасидаги таклифни муҳокамага қўйди. Сайловларни ўтказиш муддати яқин кунларда аниқ бўлишини алоҳида таъкидлади.

ҲАМИД КАРЗАЙ АФҒОНИСТОН РАҲБАРИ

Маълумки, сешанба куни Афғонистонда Оқсоқоллар Кенгаши — Лойя Жирғанинг биринчи йиғилиши бошланган эди. Лоя Жирга ўз ишини чоршанба куни туни билан давом эттирди. Ва пайшанба тонгида Оқсоқоллар Кенгаши раислигига номзод учун овоз беришга киришдилар. Шундай қилиб Лойя Жирга раиси этиб Ҳамид Карзайнинг фаол тарафдори Исмоил Қосимёр сайланди.

Бу пайтда Афғонистоннинг жанубидаги айрим аҳоли пунктларида собиқ шоҳ Муҳаммад Зоҳир Шоҳни қўллаб-қувватлаб халқнинг оммавий чиқишлари бўлиб ўтди. Масалан, Спинбулдак ва Тахтапул кўчаларида мингдан ортиқ одам тўпланиб, Афғонистон президентлигига Зоҳир Шоҳ сайланишини талаб этган. Намойишчилар йўлларни тўсиб қўйишган. Ҳатто ҳарбийлар билан тўқнашув ҳам қайд этилди.

Пайшанба кундузи Оқсоқоллар Кенгаши ёпиқ овоз бериш йўли билан Афғонистон президентлигига номзодни сайлашга қарор қилди. Президентликка асосий номзод этиб Ҳамид Карзай кўрсатилди. Бироқ бир аёл ва ҳукумат раҳбарларидан бири ҳам президентликка ўз номзодини қўйдилар. Шундай қилиб Афғонистон муваққат ҳукуматининг раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат президентлиги учун сайловда кўп овоз олишга эришди.

Қурултой давомида янги ўтиш даври ҳукумати тасдиқланиши лозим. Афғонистоннинг янги ҳукумати 18 ой давомида, яъни умумий сайлов ўтказилгунга қадар мамлакатни бошқаради. Бу даврда янги конституция ишлаб чиқилиши керак.

ҲАРБИЙ КЕМАЛАР БАЗАГА ҚАЙТДИ

Арабистон денгизининг Покистон ҳудудига туташган сувларида қўриқчилик қилаётган Ҳиндистон Ҳарбий денгиз кучларининг 20 та кемаси Мумбаи (Бомбей)даги базасига қайтди. Ҳиндистон — Покистон можароси авж олиши муносабати билан 40 та ҳарбий кема май ойида Арабистон денгизида қўриқчилик қилишни бошлаганди. Сешанба куни улар базага қайтиши ҳақида буйруқ бўлди. Шу ҳафта охирида барча кемалар базада бўлиши шарт, дея хабар беради Reuters агентлиги.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЭРТАГА КЕЛИНГ... ВА ЯНА 200 СЎМ БЕРИНГ»

Газетамизнинг шу йил 11 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилган эди. Орадан атиги уч кун ўтиб, республика Давлат-тижорат Халқ банки Бошқаруви раҳбариятидан жавоб хати олдик

Очиғи, танқид ҳар қанча ҳолис, асосли бўлмасин, ҳаммага ҳам ёқавермайди. Танқид учун журналистлардан хафа бўладиганлар кўп, танқидга имкон қадар эътироз билдирадиганлар кўп. Ҳар бир раҳбар ўз лавозими, идораси шаънини ҳимоя қилишга уриниб кўради. Танқидий чиқишлардаги камчилик ва нуқсонларни хас-пўшлаб, номига жавоб қайтариш ҳолатлари ҳам учрайди.

Албатта, адолат юзасидан айтиш керакки, танқидни тўғри тушуниб, ўз вақтида одил текширув ўтказиб, жавоб йўллайдиганлар ҳам оз эмас. Мана, бир мисол:

«... Давлат-тижорат Халқ банки Бошқаруви, — дейилади таҳририятга йўлланган жавоб хатида, — мазкур танқидий мақолани атрофлича муҳокама қилиб, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш борасида шошилинч чора-тадбирлар кўрди.

Мақолада қайд этилганидек, банкнинг Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар бўлимидаги 062-сонли шаҳобча кассири Аширгул Холиқова фуқароларга нафақалар тарқатилишида хизмат вазифасини суиистеъмол қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан эртасигаёқ банкнинг вилоят бошқармасида туман ва шаҳар бўлимлари бошқарувчилари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда банкнинг амалдаги ички меъёрий ҳужжатларига қатъий риоя қилиш, мижозларга банк хизматлари кўрсатилишида оворагарчиликка йўл қўймаслик, хизматлар савияси ва муомала маданиятини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида қатъий кўрсатмалар берилди.

(Давоми 2-бетда)

САМАРҚАНДДА «МАКТАБЛАР КУНИ»

Самарқандда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан «Мактаблар куни» кўргазмали анжуманлари ўтказилмоқда.

Ҳар ойда бир туман миқёсида ўтказилаётган анжуман халқ таълими тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, намунали иш жараёнларини оммалаштириш каби хайрли ишларни қамраб олган. Пахтачи, Қўшработ, Нуробод туманларида ўтказилган анжуман натижаларига кўра ижобий самаралар кўзга ташланмоқда.

Яқинда Тойлоқ туманида бўлиб ўтган «Мактаблар куни» кўргазмали семинари иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Бу туманда вилоят бўйича илк бор дарсликларни ижарага бериш усули қўлланилянпти. 54 та умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг 90 фоизи дарсликлар билан таъминланган. Ўқувчи ёшлар кўплаб танлов ва олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда.

Анжуман сўнггида тумандаги бир гуруҳ ўқитувчи ва ўқувчиларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди. Мактаблар таъмири ва жиҳозлар учун 30 миллион сўм маблағ ажратилди.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

ДОН – ХИРМОН-ХИРМОН...

Сурхондарё: яна бир йўла уч туман — Шеробод, Музработ, Сариосиё ғаллакорларининг меҳнат ғалабаси.

Қарияларимиз таъбири билан айтганда, бу йил чинакам деҳқон йили келди. Вилоятда республикада биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини шараф билан бажарган Жарқўрғон ва Қизириқ туманлари ғаллакорлари Президентимиз табригини олганларидан сўнг, кўп ўтмай яна бир йўла учта — Шеробод, Музработ, Сариосиё туманлари ҳам маррага етиб келдилар.

Шерободлик ғаллакорлар жорий йилда 12 944 гектар майдонга бошоқли дон экишиб, 28 180 тонналик улкан хирмон уйдилар. Эришилган ғалабага У.Юсупов номли, «Шеробод», «Дўстлик», Н.Муродов номли , У.Туропов номли ва «Таллашкон» ширкат хўжаликлари улкан ҳисса қўшдилар.

Музработ туманида ҳам бу йил илк бор мўл ҳосил етиштирилди. 11 319 гектар экин майдонига уруғ қадаган ғаллачилик жамоалари 16 иш кунида давлат хирмонига 27 651 тонна сара дон топширдилар. А.Набиев номли, Р.Бўриев номли, Навбаҳор, «Туркистон», А.Қодирий номли, «Янгиобод» ширкат хўжаликлари ва «Қўнғирот» фермер хўжаликлари уюшмаси уйган хирмонлар салмоғи гектар бошига 70-80 ва ҳатто 90 центнердан ошди.

Сариосиёликлар 9 иш кунида давлат хирмонига 8 529 тонна дон топширдилар. И.Диёров, Охунбобоев, Г.Хидиров номли, «Дўстлик» сингари ўнлаб хўжаликлар олган ҳосил гектар бошига 65 центнерни ташкил этди.

Вилоятнинг ҳар учала туманида ҳам ҳосилнинг қолган қисмини ҳам йиғиштириб олиш давом этмоқда.

■ **Рамазон АШУРОВ**

«ЎЗМАЗ» — РОМИТАН ФАХРИ

Ромитан туманида Марказий Осиёда ягона оғир юк машиналарини ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ишга тушди. «Қалайчорбоғ» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида жойлашган бу корхона ака-ука Самиевлар меҳнати эвазига вужудга келди. Ўзбек-Белорус қўшма корхонаси «Бахшиллообод» фермер хўжалиги ҳамда белоруссиялик машинасозлар таъсисчилигида амалга ошиб, дастлаб Минскдан тайёр деталлар комплекти келтирилди. Шундан сўнг 3 хил турдаги самосвал ва ахлат ташийдиган машиналарнинг намунаси йиғилди. Ишласа бўларкан.

Корхонада жорий йилда 100 та, келгусида эса 500 та юк ташувчи машиналарни йиғиш мўлжалланган.

— Жамоамизнинг режалари кўп, — дейди қўшма корхона сардори Ихтиёр Самиев. — Яқин ойлар ичида «МАЗ» автомобиллари учун техник хизмат кўрсатадиган станция ҳамда маҳсулотни намойиш этадиган кўргазма майдончасини ишга тушурамиз. Ҳозирданоқ маҳсулотимизга харидорлар бисёр. Энди «МАЗ»лар ҳам мамлакатимиз, ҳам хориж бозорини обод этади. Бу эса фахримиз!

■ **(Ўз мухбиримиз)**

ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

20 июндан бошлаб мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилиш бошланади. Шу муносабат билан бугун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда республика олий таълим муассасаларининг ректорлари, қабул комиссияларининг масъул котиблари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этдилар. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 июндаги «2002-2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги 198-қароридан келиб чиқадиган вазифалар ва республика олий таълим муассасаларига қабулни ташкил этиш, шунингдек, республика олий таълим муассасаларида тест синовларига тайёргарликнинг боришига оид масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда тест синовларига тайёргарликнинг бориши тўғрисида Давлат тест марказининг ахбороти тинглади ва атрофлича муҳокама қилинди.

Тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари, ректорлар ва масъул котиблар қабулни юқори савияда ташкил қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишлари лозимлиги уқтирилди. Жумладан, абитуриентлар, уларнинг ота-оналарига ҳужжат топшириш ва қабул жараёнида соғлом муҳит, етарли ўқув-услубий, тиббий-маиший ва маданий-маърифий шарт-шароитлар яратиш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Бу борада олий ўқув юртлари ректорлари ва қабул комиссиялари масъул котибларининг шахсий жавобгарлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Йиғилишда олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига ўрта махсус маълумотли педагог кадрларни қабул қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда вазирлик ва идораларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

■ **(ЎзА)**

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

ОЛТИН БОЗОРИ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Инсоният ўз тарихида кўплаб буюк кашфиётлар яратди. Тошни-тошга уриб олов чиқарди, металлдан меҳнат қуроллари ясади... Лекин шундай бир буюк кашфиёт борки, у ҳеч қачон аҳамиятини йўқотган эмас. Бу — олтиннинг кашф этилиши!

Тарихий ҳужжатларга асосланса, инсон олтинни 6000 йил давомида ишлатиб келмоқда. Лекин у дастлаб қай ҳолатда ва қай услубда олингани ҳақида асосли далиллар йўқ. Унинг дастлабки пул сифатидаги ҳолати 4000-4500 йил аввал топилган. Маълумки, бу даврларда пул вазифасини кўп давлатларда — ҳайвон териси, балиқ, туз, турли тошлар бажарган.

Аммо олтин уларни астасекин суриб чиқарди.

Хўш, нима учун айнан олтин? Нима учун кумуш, мис, темир эмас? Асосий сабаб — олтиннинг мафтункор ранги эмас, балки жисмоний хусусиятидадир. У зарраларга бўлиниши қулай, кимёвий ва жисмоний таъсирга чидамли модда бўлиб, табиатда жуда кам учраши, ишлаб чиқариш жараёни мураккаблиги ва оғирлиги, устуворлиги билан бошқа металлардан ажралиб туради.

Инсоният тарихида биринчи олтин тангалар тахминан 2500 йил олдин Кичик Осиёда жойлашган Лидия давлатида пайдо бўлди. Худди шу санадан бошлаб, олтиннинг инсоният устидан ҳукмронлиги бошланди. Унинг учун не-не урушлар, хунрезликлар юз бермади, дейсиз. У кўп йиллар давомида шоншавкат, бойлик ва энг асосийси — ягона пул воситасини бажариб келди. Аммо инсоният ўз ривожланиш тарихида яна бир улкан кашфиётни яратди. Бу — қоғоз пуллар эди. Вақт бу кашфиётнинг ҳам моҳиятан улканлигини исботлади. Давр ўтиши билан қоғоз пуллар олтинни муомаладан суриб чиқара бошлади. XIX аср охирларига келиб, бу жараён охирига етди ва инсоният ўз ривожланиши жараёнида қоғоз пулларни ягона пул сифатида қабул қилди. Олтин эса давлатлар заҳирасига — бойлигига айланди.

1

Дунёда ҳозир олтин қазиб олиб, уни қайта ишловчи давлатлар сони 80 га яқин. Лекин бу — уларнинг барчаси дунё олтин бозорига (таклиф билан) чиқади, деган гап эмас. Чунки, уни қазиб чиқариш, қайта ишлаш жуда қийин жараён. Шунинг учун унча-мунча олтин заҳираси бор давлатлар ҳам ўзларида ишлаб чиқарилган олтинни кўпинча заҳирада сақлаб, ички истеъмолгагина сарфлайдилар. Ҳозир дунёнинг бор-йўғи ўн давлатигина олтин ишлаб чиқарувчи давлатлар ҳисобига киради. Булар: Жанубий Африка Республикаси, АҚШ, Австралия, Канада, Хитой, Индонезия, Россия Федерацияси, Перу, Ўзбекистон ва Гана.

2000 ва 2001 йилларда дунё бўйича қазиб олинган олтин миқдори тўғрисидаги маълумотни қуйидагича (1-жадвал) кўриш мумкин. («Иқтисодий шарҳ» журнали. Рус тилида Т., 3-сон (31), 2002 йил; 11 бет)

(тонна ҳисобида)

№	Давлатларнинг номланиши	2000 йил	2001 йил
1.	Жами қазиб олинган олтин шу жумладан:	3745	3483
2.	ЖАР	428	399
3.	АҚШ	355	335
4.	Австралия	296	291
5.	Канада	155	159
6.	Россия	155	168
7.	Хитой	162	165
8.	Ўзбекистон	88	86
9.	Индонезия	139	175
10.	Перу	133	133
11.	Гана	—	—

Кўриниб турибдики, 2001 йилда дунёда олтин қазиб чиқариш камайган. Бунинг асосий сабабларидан бири — Жанубий Африка Республикаси қазиб олинган (таннархи юқори бўлган) баъзи олтин конларини ёпганлигидир. Ривожланаётган мамлакатларда эса бунинг акси. Улар янги конларни қидириб топиш, ишга туширишва олтинни тайёр ҳолга келтириш учун катта ишлар олиб боришмоқда. Худди шу давлатларга дунёнинг ривожланган давлатлари — АҚШ, Канада, ЖАР олтин қазиб чиқарувчи техника ва технологиялари билан кириб келди.

Олтин истеъмол этувчи дунё давлатлари қаторидан асосан Осиё давлатлари жой олган. Бунинг асосий сабаби, уларда маданий анъаналарнинг ривожланиши, мамлакат ҳаёти даражасининг кўтарилиши, аҳоли тўлов қувватининг ошиши билан боғлиқ. Қолаверса, аҳоли сонининг ўсиши олтин истеъмолига таъсир кўрсатади

2

Олтин бозори — олтин билан савдо қилувчи махсус марказлардан иборат бўлиб, Ташкилий олтин бозори деб ҳам юритилади. У ўз моҳиятига кўра, олтин билан савдо қилиш ҳуқуқи бўлган бир нечта банкларнинг консорциумидан иборат. Консорциум савдоси билан боғлиқ жараёнлар сотувчи ва харидор ўртасидаги барча ташкилий ишларни амалга оширади: аризалар қабул қилиш, шартномалар тузиш, олтин баҳосининг ўртача бозор баҳосини қайд этиш ва ҳоказо.

Ҳозир дунёда 50 дан ортиқ йирик олтин бозорлари: Ғарбий Европа —11 та (Лондон, Цюрих, Париж, Женева ва бошқалар), Осиёда — 19 та (Байрут, Истанбул, Токио ва бошқалар), Америка қитъасида — 14 та (Нью-Йорк, Чикаго, Рио де Жанейро ва бошқалар), Африкада —8 та мавжуд. Давлат томонидан рухсат берилиши ва ишлаш тартибига кўра олтин бозори 4 тоифага ажратилган: дунё олтин бозорлари (Лондон, Цюрих, Нью-Йорк, Чикаго, Гонгконг, Дубай...), ички озод олтин бозорлар (Париж, Милан, Истанбул, Рио де Жанейро), назорат этилувчи маҳаллий олтин бозорлар (Афина, Қоҳира).

1968 йилга қадар ЖАРдан келадиган олтин ҳисобига Лондон дунёдаги энг катта олтин бозори ҳисобланиб келди. ЖАР олтини Цюрих бозорига ўтгандан сўнг эса бу бозорнинг ҳам ўрни кўтарилди. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, Лондон ва Цюрих олтин бозорида сотилган олтиннинг ярмидан кўпроғи қайта сотиш мақсадида дунёнинг бошқа олтин бозорларига ўтиб кетади.

Яқин-яқингача олтин барча қоғоз пулларнинг баҳосини белгилаб берувчи «алоҳида хусусиятли товар» эди. Қоғоз пул бирлиги унинг қанча миқдордаги олтин билан кафолатланишига қараб белгиланган. Жамият тараққиёти ҳозир шу даражага етдики, дунё олтин бозорида олтин энг қимматбаҳо металл сифатида олди-сотди савдосига айланди.

Кўриб турибсиз, 2000 йилда 1993 йилга нисбатан ҳар унция олтин нархи 81 АҚШ долларига пасайган. Савол туғилади: нега олтин арзон нархда сотилмоқда? Олдинги жадвалда кўрсатилганидек, олтин истеъмол қилиш дунё бўйича ортган ва ўз навбатида уни қазиб чиқариш кўпайган. Демак, олтинга бўлган талабнинг ортиши билан унинг нархи ҳам ортиши лозим. Лекин биз жадвалларда бунга тескари ҳолатни кўриб турибмиз. Бунинг икки асосий сабаби бор: дунё бўйича АҚШ доллари курсининг ошиши ва давлатлар заҳирасидаги олтиннинг савдога чиқарилиши.

Қуйидаги жадвалда олтин баҳоси ўрганилган: Масалан, Лондон олтин бозори баҳоси (ҳар унцияга доллар ҳисобида).

	1993й.	1996й.	1997й.	1998й.	1999й.	2000й.
Олтин баҳоси	360	388	331	294	279	279

Барчага маълум, дунёда олтин баҳоси АҚШ долларида қайд этилади. Бошқа давлатларда валюта курсининг фарқигина амал қилади. АҚШ долларининг бошқа валюталарга нисбатан курсининг ошиши миллий валюталар қадрини туширади. Олтиннинг миллий валютада бўлган баҳоси эса ортади. Охирги йилларда АҚШ доллари курсининг валюталарга нисбатан ошиб бориши кўплаб давлатларда олтин нархининг ҳам ортишига сабаб бўлаяпти. Натижада, бу давлатларда олтинга бўлган талаб пасаймоқда. Шунингдек, олтин нархининг пасайишига баъзи давлатларнинг олтин заҳирарини сотувга чиқарилиши ҳам сабаб бўлаётир. Австралия, Аргентина, Буюк Британия, Бельгия, Голландия каби давлатлар дунё олтин бозорига 1996-1999 йиллар давомида катта туркумдаги олтин заҳираларини сотувга чиқардилар.

3

Иқтисодчилар ва йирик банкирлар фикрича, ҳозир дунё олтин бозорида унинг нархи чайқалиб турган бўлса-да, яқин келажакда ҳар унция олтин нархи 250-300 АҚШ долларига чиқиши башорат қилинмоқда. Дунё олтин бозори иштирокчилари эса ўзларининг саъй-ҳаракатларини ана шу нархнаво билан боғлаб олиб боришяпти. Табиийки, буларнинг барчаси дунё олтин бозорига, ўз навбатида жаҳон валюта бозори ва халқаро ташқи иқтисодий муносабатларга ҳам бевосита таъсир ўтказади.

■ **Дилноза ИСМОИЛОВА,**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЭРТАГА КЕЛИНГ... ВА ЯНА 200 СЎМ БЕРИНГ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Амалдаги меъёрий ҳужжатларда қайд қилинган талабларни қўпол равишда бузганлиги, хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги ва мижозларни овора қилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги учун 062-шаҳобча кассири Аширгул Холиқова ҳамда банк бўлими ва шаҳобчалари фаолиятини талаб даражасида ташкил этмаганлиги, мижозларга қулайликлар яратиш, ходимларнинг муомала маданиятини шакллантириш борасида вақтида тегишли чоралар кўрмаганлиги учун бухгалтер назоратчиси Шакар Турсунова ва бўлим бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Н.Янгибоева эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди. Шаҳобчалар билан ишлаш, иқтисодий таҳлил, молия менежменти, ички назорат бўлимлари (Ж.Қурбонов, Б.Ҳамроев, М.Нуриддинов)га банк бўлимлари ва шаҳобчаларида аҳолига кўрсатилаётган хизмат учун воситачилик ҳақи олиниши бўйича амалдаги йўриқномаларга қатъий риоя қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш топширилди.

Банк раҳбарияти бундан буён Халқ банки тизимида бундай номақбул ходимларга нисбатан аёвсиз кураш олиб борилиши ва тизимда фақат ҳалол, пок, мижозлар манфаати учун қайғурувчи, аҳолининг банкка бўлган ишончини оширишда фаол иштирок этувчи ходимларнинггина ишлашига қаратилган кадрлар сиёсати юритилишини қаттиқ назорат остига олди...»

Шунингдек, хатда банк раҳбарияти ўз фаолиятини ҳозир мамлакатимиз бўйлаб барча жабҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар даражасида такомиллаштириш, Халқ банкининг чинакам маънодаги халқ банки бўлишига эришиш, аҳолига хизмат савиясини тубдан яхшилаш, уларга энг қулай имкониятлар яратиб бериш борасида яна бир қатор тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилгани ҳақида ҳам баён қилинган. Жумладан, «Халқ банкини 2001-2005 йилларда ривожлантириш Дастури»нинг бош мақсадига кўра — Халқ банкини Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир оиланинг «Оила банки»га айлантириш чоралари белгиланган, банкдан ташқаридаги пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш учун жозибали омонат турлари амалиётга жорий қилинаётгани, омонатчилар фоиз даромадлари олиш билан бирга, катта миқдорда пул ютуқлари соҳибига айланиш имконини берувчи ютуқли омонатлар тизими ривожлантирилаётгани каби ибратли тажрибалардан ҳам хабар беради.

— Айни пайтда, — деб ёзилади Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчиси Ҳусан Жумаев имзо чеккан хатда. — Халқ банки тизимида тўпланган ижобий тажрибалар, амалга оширилаётган ишлар ва барча саъй-ҳаракатлар ҳақида «Ўзбекистон овози» газетаси учун махсус материал ҳам тайёрланмоқда...

Таҳририятимиз газета танқидини тўғри тушуниб, унда билдирилган эътирозларни тан олиб, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш юзасидан шошилинч чоралар кўрган ва тезкорлик билан жавоб хати йўллаган республика Давлат-тижорат Халқ банки Бошқарувининг бу эътиборини диққатга молик иш деб билади. Шу ўринда ўз «фаолият»лари билан танқидга «сазовор» бўлгану, лекин ўзларини гўё газета материалларини кўрмай, ўқиёлмай қолганга солиб, таҳририятларга вақтида жавоб хати йўллашни унутаётган айрим ташкилотлар, идоралар ва муассасаларни Халқ банки бошқаруви фаолиятидан ибрат олишларини истардик.

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

ОНА ДУОСИ — ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Отахон ака ҳар тонг онаси билан юзланганда қалбида ўзгача бир бахтиёрлик ҳис этади. Дуога қўл очган 85 ёшли Бибисора бувининг ҳам юз-кўзларида меҳр балқийди. Она билдирган эзгу тилаклар ўғилга қанот бағишлайди, шижоат беради. Айниқса, улуғларнинг «Жаннат — оналар оёғи остидадир» деган ҳикмати Отахон аканинг қулоғида муҳрланиб қолган. Шунинг учун ҳам у ҳар тонг ишни онасини зиёрат қилишдан бошлайди.

Ҳа, Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги У.Қорабоев номли ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Отахон Аламатовнинг ҳаёт ва меҳнат фаолиятида эришган барча ютуқлари силсиласида она дуоси ҳам вожиб бўлган бўлса не ажаб! У бошлиқ хўжалик аҳли бу йил ҳамма соҳада юксак меҳнат кўрсаткичларини қўлга киритиб, мустақилликнинг шонли ўн бир йиллигини муносиб нишонлашга ахд қилишган.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Қорақалпоғистонлик бир гуруҳ ёзувчи-ю шоирлар Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Кўнғирот туманида бўлишди. Экологик муҳитни яхшилаш юзасидан олиб борилаётган долзарб вазифалар хусусида фикр алмашдилар.. Адиблар Ҳоким ота Боқирғоний юбилейига тайёргарлик билан қизиқдилар. Кейин Кўнғирот саноат-транспорт коллежида ўзига хос мушоира бўлди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қаипберганов туманнинг тарихи ва бугуни ҳақида сўзлади. Таниқли шоирлардан Г.Матяқубова, Ж.Избосканов, Х.Давлатназаров, А.Ўтенбергенов, Ш.Аяпов, Н. Турешовалар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб беришди. Бундай учрашувлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги бизнес мактабнинг туман филиалида ҳам уюштирилди.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Элликқалъанинг Аёз қалъаси букун Мозийдан сўзлайди эртак уззукун...

■ **Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат**

ЭКСПОРТ ҚУВВАТИНИ ОШИРИБ

«Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси тизимидаги корхоналар орасида «Бухоротекс»нинг ўз ўрни бор. Корхонада Руминия, Италия, Франция, Бельгия каби мамлакатлардаги турдош корхоналарнинг янги технологияси ўзлаштирилди. Швейцариянинг «Ритер» фирмасида ишлаб чиқарилган йигирув дастгоҳлари ўрнатилган, иш сифати ҳам, ҳажми ҳам тубдан ўзгарди. Натижада йилига 1000 тоннадан зиёд калава ип ишлаб чиқариладиган бўлди.

— Корхонани замонавий технология билан янада бойитиш пайидамиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Шукрулла Давиров. — Яқин орада корхонамизда Германиянинг «Кемницер Шпинераймашн ненбау», «Гросен-хайнер», Япониянинг «Мурата», «Тайота» фирмаларининг дастгоҳлари ўрнатилади. Бунинг эвазига йиллик калава ип ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди.

Бундан ташқари, «Бухоротекс»нинг кўпгина хорижий мамлакатларда савдо уйлари мавжуд. Уларда ранго-ранг патли ва момиқ сочиқлар кўзни қамаштирадиган сатин газламалар, мебель саноатида ишлатиладиган матолар хорижга воситачисиз сотилмоқда. Бу эса корхонанинг экспорт қуввати ошишида муҳим аҳамият касб этади.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚОРА ҚИЛМИШ

ТЎЙДАН КЕЙИНОҚ ТУГАГАН БАХТ

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДАГИ НИЁЗБОШИ ҚИШЛОҒИДА ҚОТИЛЛИК ЮЗ БЕРДИ: КУЁВ КЕЛИННИ БЎҒИЗЛАБ ҚЎЙДИ. БУНГА ФАҚАТ ЭР АЙБДОРМИ?

Куз осмонида юлдузлар тўп-тўп. Жимирлаб гўёки имлаётгандай. Қўлингни узатсанг етгудай...

Икки ойлик келиннинг чиройли осмон билан ҳам, дилтортар юлдуз билан ҳам иши йўқ. Келинликнинг беғубор, ширин хаёллари билан ҳам сармаст эмас. Кўнгли ғаш — куёви бугун ҳам ичиб келармикин?

Одатда бу пайт ёш келин-куёвлар бир-бирининг дийдорларига тўймайдилар. Улар эса...

Етти маҳаллада овоза бўлган тўйдан кейин ораларида совуқлик пайдо бўлди. Махсуда эридан айб топиб, юзига айтадиган, Мансур эса ичиб келадиган одат чиқарди.

Махсуданинг ичини ит тирнайди. У ҳам бахтли, тинчгина ҳаёт кечириши мумкин-ку? Нега яхши ният билан бир ёстиққа бош қўйишса-да бир-бирини тушунишмаяпти? Келишмовчиликнинг сабабини нимадан изласин?

...Алламаҳал эшик очилиб, Мансур кириб келди. Ундан бадбўй, қўланса ҳид таралди.

— Кетаман... Бошқа эрга тегаман. Сиз билан ажрашаман... Яна ичиб келибсиз!

Махсуданинг бундай «дангал» гапи жон-жонидан ўтиб кетди. Кайфи таранг эмасми, кўзлари қонга тўлди. Башараси буришди. Қўлига илашган пичоқни олиб хотинига ташланди. Тиғни қорнига тиради.

— Кимга тегасан, айт, ким у?

Орага жимлик чўкди. Мансур шу сўзларни айтиб яна бақирди.

— Йигитим бор, ўшанга!

Мансурнинг боши айланди, кўзлари катта-катта очилди:

— Нима, нима?

Қорнига тиралган тиғ куч билан урилди. Пичоқнинг қонга ботгани, Махсуданинг қорнини чангаллаб ётиб қолганини кўрган Мансурнинг ҳуши учди. Қулоғига хотинининг хириллаган овози, «ҳаммангни қаматиб юбораман энди» деган сўзлари урилди.

— Мана сенга, бўлмаса, мана...

Мансурнинг қўлидаги пичоқ 3-4 марта энди Махсуданинг бўғзига бориб келди.

...Эрталаб Ниёзбоши қишлоғидаги О.Қўчқоров кўчаси, 117-уй эгаларининг бақир-чақир овозини ҳамма эшитди. Уйда қонга беланган ҳолда икки ойлик келиннинг жонсиз жасади ётарди. Қотил куёв эса ғойиб бўлган. Кейинчалик унинг водийга қочиб кетганлиги маълум бўлди. Лекин тақдирдан қутулиб бўлармиди?

Бу келин-куёвлар ҳамма қатори бахтли яшаши, фарзандлар кўриши, уларнинг жажжи қўлчаларидан ушлаб, кўчаларда сайр қилишлари мумкин эди. Нега севиб, севилиб бахтли яшай олмадилар? Жоҳилликнинг мудҳиш қурбонига айландилар, нега?

Инсониятнинг не-не муқаддас нарсалари бор. Лекин дунёдаги энг катта саждагоҳ оила бўлса керак. Ўзбек халқи оилани ҳар нарсадан муқаддас, улуғ билади. Ёш келин-куёв нега буни тушунмади? Оилани машмаша уясига айлантирдилар? Ва ўзлари ҳам унинг қурбонига айланди. Махсуданинг маст эрга «эркак бундай бўлмайди» ёки «мен бошқа эрга тегаман» дейиши номаъқуллик бўлса, Мансурнинг ўз жуфти-ҳалолини ваҳшийларча бўғизлаши ёвузлик эмасми?!

Хўш, бу ерда қотилликнинг илдизини қаердан излаш керак? Фақат иккиланмаси? Ёшлар туғилиб ўсган, улғайган муҳит — оила ва маҳалладагиларнинг жилла бўлса-да бунда айби йўқ деб ўйлайсизми?

Юзаки қараганда ушбу жиноятнинг келиб чиқишига сабаб биринчидан йигитнинг енгил табиатлигидан, келиннинг оғзидан ўйламай ҳар хил гаплар чиқишидан, деб тушунасиз. Аслида бу ҳодисанинг туб сабаби уларнинг болаликда олган тарбиясига ҳам бориб тақалади. Бу — тарбия олган муҳитга боғлиқ. Улар кимлар билан улғайди? Мана шу энг катта муаммодир.

Шунингдек, Мансур билан Махсуданинг орасидаги совуқликка қуда бўлмиш икки хонадондагилар, энг аввало, эътибор бериши керак эди. Турмушнинг дастлабки кезларида келишмовчиликлар, тушунмовчиликлар содир бўлиши табиий. Мана шу пайтда кўпни кўрган отаона, албатта, уларга мураббийлик қилиши, йўл-йўриқ кўрсатиши зарур. Бирбирини тушунмаган икки ёшга нега ўша меҳрибонлик кўрсатилмади? Натижа нима билан тугади? Икки ёш умр ҳазон, ёш оила эса барбод бўлди. Келин қабрга, куёв қамоқхонага йўл олди.

■ **Ҳасан ИНОЯТОВ,**
Тошкент вилоят прокурорининг ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни мужассамлаш бўйича катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси,
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ҲИНДЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ»

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бироқ, Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлини тутганидан сўнг икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар равнақи янгича мазмун касб этди. Икки дўст мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кўлами йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Шу жумладан, маданий-илмий соҳада ҳам.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Жанубий Осиё тиллари кафедраси ҳамда Ҳиндистондаги Абул Қалам Озод номидаги Осиё тадқиқотлари институти ҳамкорликда тайёрлаган «Ҳиндча-ўзбекча луғат» «Hope India Publications/Greenwich Millennium» нашриётида чоп этилди.

Луғатдаги сўз ва ибораларни танлаш жараёнида Ҳиндистонда нашр этилган беш жилдли «Манак хинди кош», «Брихат хинди кош» ва «Наланда вишал шабдсагар» луғатлари, шунингдек, Ҳиндистон ҳукумати Маориф вазирлигига қарашли «Марказий ҳинд тили бошқармаси» томонидан нашр этилган «Вявҳарик хинди-ангрези» ҳамда ҳиндча-русча луғатлардан фойдаланилган.

Ушбу луғат ҳинд тили бўйича бакалавриат босқичи талабалари ҳамда мазкур тилни ўрганувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжаллангандир.

■ **Шуҳрат УМИРОВ,**
«Жаҳон» АА
Деҳли.

ХДП ҲАЁТИ

ЯНГИ ҚОНУННИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун жамиятимиз ҳаётида алоҳида аҳамият касб этди. Уни ўрганиш, тарғиб қилиш эса янада муҳимдир.

Тошкент трактор заводининг Маданият саройида завод партия ташкилоти ва ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий конференция шу масалага бағишланди.

Кечага йиғилганлар анча-мунча маълумотга эга бўлдилар, дейиш мумкин. Республика Конституциявий суди судьяси, юридик фанлари номзоди Узоқ Бозоров ҳамда Ички ишлар вазирлиги академияси ўқитувчиси, юридик фанлари доктори, профессор Мириной Файзиевлар сессияда қабул қилинган Конституциявий қонуннинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида батафсил сўз юритдилар. Шунингдек, анжуманда икки палатали парламент шаклланиши жараёнида сиёсий партияларнинг тутадиган ўрни мавзусига ҳам кенг ўрин берилди.

■ **Раъно САТТОРОВА,**
ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши биринчи котиби

КОЛОРАДО ШТАТИДА ЁНҒИН

АҚШнинг Колорадо штати ўрмонларидаги ёнғинни бартараф этишнинг ҳали-ҳануз уддасидан чиқиб бўлмаяпти. Маълумотларда ёзилишича, ёнғин тутуни 7 километр баландликкача ўрламоқда. 21 та уй ва 36 минг гектар майдон олов домида қолган. Ёнғин шу кўйи давом этадиган бўлса, яна 80 минг гектар ўрмонни кулга айлантириши мумкин экан. Бироқ губернатор Билл Оуэнс «Олов ўз майдонини кенгайтиришига денверликлар йўл қўймайди», — дея барчани ишонтирди.

РАКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН

Нью-Йорк шаҳри раҳбарияти шаҳарнинг шимолида жойлашган Индиан-Поинтдаги атом электр станцияси атрофларида яшаётган аҳолини йодли калий таблеткаси билан бепул таъминлашга қарор қилди. Бу тадбир электрстанциядан тарқалиши мумкин бўлган радиоактив газлардан аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган.

Таблеткалар авваламбор яқин орадаги учта маҳаллий мактабда таълим олаётган болаларга тарқатилади. KI (калий йод) номи билан машҳур бўлган бу дорилар АҚШ ядро энергетикаси назорати комиссияси томонидан тавсия этилди.

KI инсон организмида ракка қарши темир моддасининг ўзига хос қалқонини ҳосил қилади.

СУД ҲУКМ ЧИҚАРДИ

АҚШнинг Флорида штатидаги Майами шаҳар суди Philip Morris, Brown & Williamson ва Liggett Groupp тамаки компаниялари устидан ҳукм чиқарди. Ҳукмга кўра, собиқ кашанда, шу кунларда рак билан оғриётган бемор фойдасига 37,5 миллион доллар жарима ундириладиган бўлди.

Гап шундаки, 76 ёшли Жон Лукас 30 йил давомида кунига 3 қутидан сигарет чеккан. Охир-оқибат касалликка йўлиққан. Адвокатларининг айтишича, ундириладиган товон пулини сарфлашга унинг қурби етмайди, негаки шифокорларнинг гапларига қараганда, у яна атиги 7 ой умр кўриши мумкин экан.

ЯПОНИЯ БИНОКОРЛИГИ

АДАБИЙ ТАҚРИЗ

МЕЪЁР ВА МУВОФИҚЛИК ЖОЗИБАСИ

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДАГИ ЯНГИ АСАР ХУСУСИДА

Мустақиллик қадриятларни тиклаш даврини бошлаб берди. Шу маънода Амир Темур шахсияти ва унинг тарихда тутган ўрнини ҳам қайта кўриб чиқиш масаласи илм-фан ва маданият олдидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу хусусда ўтказилган йирик илмий анжуманлар ва тантаналар мазкур мавзунинг ишланишида асос бўлди. Бадиий тафаккурдан кўра илмий тафсилотларга бой бўлган Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» номли асари Темур ва темурийлар даврини қайта тиклаш нуқтаи назаридан жиддий тадқиқот сифатида яратилди. Бундан ташқари Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Тўра Мирзоларнинг драмалари, Пиримқул Қодиров, Хайриддин Султонов, Хуршид Давронларнинг насрий асарлари бу мавзуни ёритишга катта ҳисса бўлди. Бора-бора Амир Темур шахсиятининг қай даражада улуғвор эканлиги яққол кўрина бошлади. У ҳақда кўп кунт ва меҳнат сарф қилиб эпопея шаклидаги йирик асарнинг яратилиши ҳаёт талаби бўлиб қолди. Бу вазифани бажариш ёзувчи Муҳаммад Алининг зиммасига тушди. Шуниси эътиборга сазоворки, Муҳаммад Али бугунгача «Сарбадорлар» романини ёзиб, тарихий асарни қандай ёзиш кераклигини ҳис қилган эди. Бундан ташқари, «Сарбадорлар»нинг бир неча боблари бевосита Амир Темурга бағишланган бўлиб, бу образни яратиш юзасидан илк чизгилар сифатида ўртага ташланган эди.

Муҳаммад Али жаҳонгир ҳақидаги асарини «Улуғ салтанат» деб атади. Адиб қарийб ўн йил, балки ундан ҳам кўпроқ йиллар давомида бу мислсиз саркарда ҳақидаги илмий ва адабий маълумотларни қунт билан ўрганди. Уларни ўзича қайта баҳолади. Аниқ хулосаларга келди. Шундан кейингина қўлига қалам олди. Шу йўсинда «Улуғ салтанат» романи майдонга келди. Мана энди асар китобхон қўлига бориб тегди.

Амир Темурнинг ҳаёти кўпроқ жанглар билан боғлиқ. Шу маънода у ҳақдаги асарни жангнома тизмаси сифатида битиб қўяқолиш мумкин. Муҳаммад Али бошқача йўл танлади. Улуғ саркардани у кўпроқ кундалик маиший ҳаёт, оила, қариндош-уруғ ва дўст-ёрлар муҳитида кўрсатади. Фарзандларининг тарбияси, каттароқ бўлганда уларнинг қисмати, ҳар хил йўсинда рўй берган ташвишлари, уларни уйли-жойли қилиш, ўзига муносиб келин топиб уйлантириш, фарзандларининг бошига бирор иш тушса уларга ҳамнафас бўлиб, уларнинг дардига шерик бўлиш каби. Қисқаси, адиб бу улуғ саркардани оддий одам қаторида кўради. Оддий одамнинг бошига қандай қувончли, нороқли кунлар ёхуд қайғу, аламли ташвишлар тушса, унинг бошига ҳам шу хилдаги ҳодисалар тушади. Оддий одам сингари у ўзида йўқ даражада қувона олади. Бошига ташвишлар тушганда ғам-ғуссалар аламида ёниб-куяди. Катта умидлар бағишлаган, валиаҳдликка мўлжалланган ўғил Жаҳонгир Мирзонинг йигитлик чоғидаги ўлими унинг белини букади. Бу улуғ зотнинг романда тасвирланган алам ва изтиробларини китобхон худди ўзиникидек ҳис қилади. Не-не умидлар билан туширилган ақли расо келин — Хонзоданинг бева қолиши, саркарданинг алам ва ташвишларини бир неча бор оширади. Романда шундай бир чизги борки, бу улуғ зотнинг одамийлик хислатларини алоҳида таъкидлайди: «Тўйдан кейинги кунлар Хонзодани келиним деб атади. Жаҳонгир Мирзонинг вафотидан кейин алоҳида нуфузли бўлиб кўринган келин, яъни Хонзодани қизим деб атайдиган бўлди. Бу сўзда ҳам катта маъно бор эди. Вақт ўтиб иккинчи ўғлига никоҳ қилиб берганидан кейин Хонзода унга янада нуфузлироқ бўлиб кўринди. Шу муносабат билан у дейди:

— Келин бўлиб тушдинг, келиним дедим, бева қолдинг, қизим дедим. Энди иккинчи ўғлимга келин бўлдинг, сен энди менга фақат келин эмассан. Балки ўғил қаторидасан!»

Умуман у аёл зотини камситишни ўзига эп кўрмайди. Аёлларнинг ўрни эркакларга нисбатан маълум даражада паст бўлиши керак деган фикр хаёлига ҳам келмайди. Аксинча, Сароймулкхонимни у ўта қадрлайди. Бугина эмас, Сароймулкхоним унинг учун биринчи доно маслаҳатчи. Умуман, роман саҳифаларида у улуғ саркарданинг бирор аёл зотини камситганини, унга қўпол муносабатда бўлганини кўрмаймиз. Бу жиҳатдан Амир Темур фақат ўз замондошларигагина эмас, балки аёлларга нисбатан паст назар билан қаровчиларга ҳам ибратдир. Бу хислатлар амирга тегишли юқори маданият белгисидир. Бироқ у доим меъёрни сақлаган ҳолда иш тутарди. Назаримизда ҳар қандай душман ҳам унинг учун инсон фарзанди эди.

Муҳаммад Алининг романида шу мантиқни тасдиқлайдиган қатор эпизодлар бор. Ишончли манбалардан кўчирилган бу эпизодлар шуни кўрсатадики, керак пайтда қаҳру ғазабни ишга солган амир кўп ҳолларда ўзининг раҳмдиллигини кўрсата олган. Романда тасвирланганидек, Шибиргон ҳокими Зиндачашм Офардий Амир Темурга нисбатан сотқинлик йўлига кириб, бир неча бор фитна тузади. Амир Темур эса уни бир неча бор кечиради, айрим ҳолларда жазо беради. Яна ўз ўрнига тиклаб қўяди. Романда кўрсатилишича, бу ҳол тўртбеш марта такрорланган. Охирида риёкор амир эпақага келавермаганидан кейин, уни оғир жазога муносиб кўради. Шунда ҳам уни қандай жазолаш ҳақида ўз мулозимларига бирор йўл-йўриқ кўрсатмайди.

— Уни менинг кўзимга кўрсатманглар, — дейди холос.

Романда тасвирланган бошқа бир ҳолни эслайлик. Бу Темурнинг яқинларидан бири амир Мусо билан боғлиқ. Амир Мусо анча вақтлар давомида Амир Темурнинг хизматида юрган содиқ мулозимларидан бири ҳисобланади. Амир Ҳусайнга қарши жанг бораётган вақтда амир Мусо Темур қўшинидан ажралиб чиқиб кетади. Кейинчалик фитначи Зиндачашм Офардий гуруҳига бориб қўшилади. Шунга қарамасдан Амир Темур уни сўроқлаб топиб, гуноҳларидан кечади ва яна унга ишонч билдириб сарой хизматига жалб қилади. Романда тасвирланишича, шундай ҳоллар ҳам бўладики, ўлимга ҳукм қилинган баъзи бир амир ёки мулозимлар жазодан тўхтатилиб яна ўз хизматларига тикланадилар.

Амирнинг бу хилдаги хислатлари унинг заифлигидан эмас, балки унинг қудрати ва улуғворлигидан далолатдир. У одам зотига ишонади. Маълум бир пайтларда қинғир йўлга кирган кимсаларнинг кейинчалик садоқат билан хизмат қилишини ҳис қилиш қобилияти ҳам бор унда.

Романда кўп машаққатлар билан бўлса ҳам Амир Темур ғалабадан ғалабага ўтиб камол топаётган саркарда сифатида кўрсатилади. Романни ўқиб, бу камолотнинг иккита асоси бор эканини англаймиз. Биринчиси шуки, қарийб икки аср давомида Туркистон халқи Чингиз босқинчилари оёқлари остида қолиб, уларнинг зулм ва заҳматларидан етарли даражада безиб улгурган эди. Эндиликда ундан қутилишнинг йўли топилгандек кўринди, халққа. Шу боисдан халқ Амир Темурни қўллаб-қувватлади. Масаланинг иккинчи томони яна ҳам муҳимроқ, яъни чингизийлар сиёсатининг негизи адолатсизлик, диёнатсизлик эди. Амир Темур ўзининг биринчи юришидан бошлаб адолат ва диёнат байроғини юқори кўтарди. Шу боисдан халқ бу байроқ сари интилди. Натижада Амир Темурнинг қўшинига қўшин қўшилиб қудратли кучга айланди.

Шундай қилиб, Муҳаммад Алининг янги романи кўп жиҳатдан улуғ саркарда Амир Темурнинг ҳали китобхонга маълум бўлмаган, барчага ибратли янги-янги хислатларини очиб беради. Шу маънода адибнинг бу романи ўзбек адабиётида пайдо бўлган янги реалистик тарихий романдир.

«Улуғ салтанат»нинг бадиий қимматини белгилайдиган бир хислатини алоҳида қайд қилишни истар эдик. Ёзувчи тарихий вазиятни аниқ ифодалайди. Қаҳрамон ички оламини тўла ва теран очиб берадиган воқеаларни излайди ва аксарият ҳолатларда уларни топа билади ҳам. Бунинг ўзигина етарли эмас, албатта. Ёзувчи ўша топилмаларни аниқ ва жонли тасвирлаб берадики, улар худди моҳир рассом чизган манзаралар сингари китобхон кўзи олдида бор жозибаси билан очиқ ва тўла намоён бўлади. Зотан, ёзувчилик санъатининг сири ҳам шунда бўлса керак. Бошқачароқ қилиб айтганда, воқеаларни тарихийми ё тўқимами, улардан қатъи назар, саржин сингари қалаб ташлайвермайди. Яна аниқроқ қилиб айтганда, у тасвирда меъёрга, мувофиқлик талабига етарли даражада риоя қилади. Шу боисдан қайсидир манбалардан бизга маълум бўлган воқеалар ҳам янгича жилоланади, уларни биз худди янги воқеалар сифатида қабул қиламиз. Натижада, роман зўр қизиқиш билан ўқилади ва енгил қабул қилинади. Бу хислатлар Муҳаммад Али қаламининг камолотидан далолатдир.

■ **Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,**
академик

ТАБИАТ ВА ИНСОН

БЕПИСАНДЛИК УЧУН ЖАЗОЛАНДИ

Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари табиат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларга риоя қилмаганлиги учун 135 нафар мансабдор шахсдан 720 минг сўм жарима ундириб олишди.

— Қўмитамиз ходимлари жорий йилда ерости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланишнинг олдини олишни назорат қилиш борасида ҳам иш олиб боришмоқда, — деди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари Абдужалил Абдувоҳидов **«Туркистон-пресс»** мухбирига. — Яқинда ичимлик сувидан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланганлиги учун вилоятдаги йирик корхоналардан бири — «Оқолтиндон» комбинатидан назоратчиларимиз 1 миллион 900 минг сўм товон пули ундиришди. Шунингдек, вилоят прокуратураси ходимлари билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида ичимлик сувидан фойдаланишнинг аҳволи ҳам текширилди. Текширишлар натижасида олтита автомобилларни ювиш шаҳобчаларида ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланилганлик ҳолати аниқланди. Уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиб, мазкур корхоналар ёпиб қўйилди.

— Шунингдек, мутахассисларимиз аҳоли орасида, умумтаълим мактабларида ва корхона-ташкилотларда бўлишиб табиатни асраш, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш борасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

ОАО «КОМСАР» СОЗЫВАЕТ ВНЕОЧЕРЕДНОЕ ОБЩЕЕ СОБРАНИЕ АКЦИОНЕРОВ 17 ИЮНЯ 2002 Г. В 12.00 ПО АДРЕСУ: ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ, ЧИНАЗСКИЙ РАЙОН, ПОС. ПАХТА

ПОВЕСТКА ДНЯ

Внеочередного Общего собрания акционеров

1. Рассмотрение вопроса об увеличении Уставного Фонда путем выпуска дополнительных акций.
2. Внесение изменений в Уставной Фонд путем выпуска дополнительной эмиссии ценных бумаг.
3. Регистрация нового проспекта эмиссии.

ПРЕЗИДЕНТГА МАРШАЛ УНВОНИ ТАВСИЯ ЭТИЛМОҚДА

Туркманистон Демократик партияси мамлакат Президенти Сапармурод Ниёзовга олий ҳарбий унвон — маршалликни тавсия этмоқда. Ҳозирги кунда мамлакат Бош қўмондони армия генерали ҳарбий унвонига эга.

МУҲОЖИРЛАР АДАШИБ ҚОЛИБ...

Шимоли-ғарбий Судандан Ливияга йўл олган 45 кишидан иборат муҳожирлар гуруҳи йўлда адашиб қолиб, очлик ва чўл иссиғига дош беролмай барчаси ҳалок бўлди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

Судандаги ишсизлик сабабли улар нефтга бой Ливиядан иш топишга қарор қилишган эди.

НЕЧА БОР МУРОЖААТ ҚИЛИШИГА ҚАРАМАЙ

Гуантанамо (Куба)даги Америка ҳарбий базасида сақланаётган «Ал-Қаида» ташкилоти аъзоси бўлмиш Саудия арабистонилик 100 нафар асир билан дипломатларнинг мулоқотда бўлишини Саудия Арабистони Америка ҳукуматидан талаб қилмоқда. Саудия Арабистони ички ишлар вазири ўринбосари шаҳзода Аҳмад бин Абдулазизнинг айтишича, дипломатлар Кубадаги қамоқхонада бўлишни, асирлар билан учрашишни бир неча бор талаб қилган бўлишларига қарамай АҚШ ҳукумати рухсат бермаяпти.

ДАРЁ ТОШИШ ХАВФИ БОР

АҚШнинг Миннесота штатидаги Розо дарёси мана бир неча кундирки, ўзани тўлиб-тошиб оқмоқда. Сув тошиши эҳтимоли борлиги учун ҳам шаҳар аҳолисининг ярми ўз уйларини ташлаб чиқдилар. Миллий гвардиянинг 100 нафар аскарлари Розо аҳолисига ёрдам бериш учун етиб келди. Дарёнинг сув тошиши мумкин бўлган жойларига қум солинган қоплардан дамба кўтаришмоқда. Бундан ташқари, ҳар эҳтимолга қарши насослар ҳам келтирилди, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

Жанубий Корея ва Японияда ўтказилаётган жаҳон чемпионати иштирокчилари дастлабки босқич ўйинларини якунлашди. Бугунгача жами 48 та учрашув бўлиб ўтди. Гуруҳларда 1 ва 2-ўринларни эгаллаган жамоалар нимчорак финалга йўлланма олиб, курашни давом эттиришади. Нимчорак финалдан жаҳон чемпиони номини аниқлаб берувчи сўнгги ўйингача жамоалар ўртасида 16 та учрашув ўтказилади. Албатта, бу сафарги чемпионатда Франция, Португалия, Аргентина, Хорватия, қолаверса Россия футболчиларининг гуруҳлардан чиқолмай қолишлари жаҳон футболида ўзига хос йўналишу ўзгаришлар бўлаётганини кўрсатмоқда.

«С» гуруҳида ўтказилган сўнгги икки учрашув ҳам тўпларга бой бўлди. Бразилия — Коста-Рика ўйинида 5:2 ҳисоби қайд этилди. Туркия футболчилари Хитой жамоаси дарвозасига 3 та жавобсиз тўп киритишди. Бу ғалабалардан сўнг Бразилия ва Туркия жамоалари иккинчи босқичга чиқишди. «G» гуруҳида ўтказилган навбатдаги ўйинлар ҳам шиддатли тус олди. Айниқса, Мексика — Италия ўйинига қизиқиш катта эди. Бу учрашув мексикаликлар фойдасига ҳал бўлса, Италия гуруҳдан чиқолмай қоларди. Ҳайтовур ўйин 1:1 бўлди. Эквадор эса кутилмаганда Хорватларни 1:0 ҳисобида доғда қолдириб, дастлабки ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Бу гуруҳда Мексика, Италия жамоалари курашни давом эттиради.

«Н» гуруҳида қайси жамоаларнинг нимчорак финалга йўлланма олиши сўнгги учрашувларга боғлиқ бўлиб турганди. Агар Россия футболчилари Бельгия жамоаси билан ўйинда ҳисобни дуранг қилишса, курашни давом эттириши мумкин эди. Афсуски, бу ўйин 3:2 ҳисобида бельгияликлар фойдасига ҳал бўлди. Японлар эса Тунис жамоасини 2:0 ҳисобида ютишди. Гуруҳ ғолиби бўлиш Япония ва Бельгия жамоаларига насиб этди.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ,**
Равшан ШОДИЕВ.

Дастлабки босқич ўйинларидан кейин гуруҳлардаги ҳолат қуйидагича:

«В» ГУРУҲИ

	Ю	Д	М	Т	О
1. Испания	**3**	**0**	**0**	**9-4**	**9**
2. Парагвай	**1**	**1**	**1**	**6-6**	**4**
3. ЖАР	1	1	1	5-5	4
4. Словения	0	0	3	2-7	0

«С» ГУРУҲИ

	Ю	Д	М	Т	О
1. Бразилия	**3**	**0**	**0**	**11-3**	**9**
2. Туркия	**1**	**1**	**1**	**5-3**	**4**
3. Коста-Рика	1	1	1	5-6	4
4. Хитой	0	0	3	0-9	0

«D» ГУРУҲИ

	Ю	Д	М	Т	О
1. Жанубий Корея	**2**	**1**	**0**	**4-1**	**7**
2. АҚШ	**1**	**1**	**1**	**5-6**	**4**
3. Португалия	1	0	2	6-4	3
4. Польша	1	0	2	3-7	3

«G» ГУРУҲИ

	Ю	Д	М	Т	О
1. Мексика	**2**	**1**	**0**	**4-2**	**7**
2. Италия	**1**	**1**	**1**	**4-3**	**4**
3. Хорватия	1	0	2	2-3	3
4. Эквадор	1	0	2	2-4	3

«Н» ГУРУҲИ

	Ю	Д	М	Т	О
1. Япония	**2**	**1**	**0**	**5-2**	**7**
2. Бельгия	**1**	**2**	**0**	**6-5**	**5**
3. Россия	1	0	2	4-4	3
4. Тунис	0	1	2	1-5	1

ЯНА ЎН ОЛТИТА УЧРАШУВ

БУГУН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА НИМЧОРАК ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

Нимчорак финалда майдонга кимлар тушади?

15 июнь. Германия — Парагвай, Дания — Англия.
16 июнь. Швеция — Сенегал, Испания — Ирландия.
17 июнь. Мексика — АҚШ, Бразилия — Бельгия.
18 июнь. Япония — Туркия, Ж. Корея — Италия.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

КАБИР — ХИНДИСТОНЛИК МУТАФАККИР. 1440-1518 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

◆ ...Барҳақ Худо ибодатхонада эмас, балки, инсоннинг дилидадир.
◆ Гумон бутун оламни ўз комига тортди, аммо, ҳеч ким гумонни маҳв этмади.
◆ Мен Парвардигор билан танишдим — у менинг барча қайғуларимни қувиб юборди.
◆ Ким Худони қанчалик билган бўлса, у шунчалик фойда олди.
◆ Менинг жоним Худо билан боғланди, Худонинг жони эса менинг жоним билан боғланди. Худди шундай, туз сувда эрийди, сув эса тузда йўқ бўлиб кетади.
◆ Парвардигори оламнинг обиҳаётидан тотдим ва чарчоқларим тарқади. Пиширилган тувакни энди кулолчилик чархига қўймайдилар.
◆ Барча Танҳодан келиб чиққан, аммо, Танҳо барчадан келиб чиққан эмас.
◆ Агар жонинг биргина Парвардигорга содиқ бўлса, у халоскорга эга бўлади. Бирданига иккита найни чалмоқчи бўлган киши мағлубликка лойиқ.
◆ Чиройли танангга қараб, керилма. Сен у билан тез орада, худди илон ўзининг эски пўсти билан каби, хайрлашасан.
◆ Дабдабали уйингга қараб, кибрланма. Яқинда ер қаърида ётасан, устингдан ўтлар ўсиб чиқадилар.
◆ Бу олам сиртидан гўзал, ичидан эса пуч пахта гулига ўхшайди. Унинг ёлғонларига учма. Ҳаёт учун сенга кўп нарса берилмаган.
◆ Бегона аёлни севмоқ — саримсоқ емоқнинг ўзи. Буни ҳар қанча беркитганингга қарамай, охир-оқибатда, ҳиди билинади.
◆ Олтин ва аёллар — нақ оловнинг алангасига ўхшайдилар, уларга боқсанг — тананг қизийди, тегсанг — куясан.
◆ Гўзал аёлга қараганда, қозиқ афзал; камдан-камлар ундан қутула оладилар. Темир, оловда куяр экан, аста-секин кулга айланади; худди шундай, ҳатто, қатъий иродали эркаклар аёл билан алоқадан ҳалок бўладилар.
◆ Агар дўст танлаётган бўлсанг, дўстларни ўз қавмингдан бўлиши ҳақида ўйла.
◆ Тошга мих қоқма, лойдан қилинган идишдан тешик ясама.
◆ Худди ер уни тепишларидан азият чекканидай, ўрмон болтанинг зарбидан жафо тортганидай, Парвардигори оламнинг бандаси ҳам фиск-фасодлардан жабр тортади.
◆ Ўзингда худбинликни енггганингда, Парвардигорни учратасан, агар Парвардигорни унутсанг — ҳаммасини йўқотасан. Муҳаббат тарихини таърифлашга тиллар ожиз — айтилганга ҳеч ким ишонмайди.
◆ Сувдаги кўпик — бизнинг ҳаётимиз шунақа. Бир куни биз, тонгдаги юлдузлар каби, йўқоламиз.
◆ Дарвеш қопини орқалаб, йўлдан борарди, олдинда эса уни ўлим кутарди — ҳаётда барчаси пуч.
◆ Одам қанчалик бепарво яшаса, ўлим шунчалик қаттиқ кулади.
◆ Туҳматчини ёнингда тут, унга ҳовлингдан кулба қуриб бер. Ахир, у сенинг феъл-атворингни ўзининг бўҳтонлари билан, совунсиз ва сувсиз, тозалайди. Туҳматчини қувма, унга меҳр ва ҳурмат билан муносабатда бўл.
◆ Ўзингни мақтама ва бошқаларни камситма. Сенинг суякларингнинг қайси дарахт остида тупроққа айланиши номаълум.
◆ Ёмғир томчилаб, тошнинг устига қуйилди. Устига сепилган ёмғирдан тупроқ майдаланди ва сув билан қўшилиб кетди, тош эса қандай мустаҳкам бўлса, шундайлигича қолди.
◆ Агар илонга сут ичирилса, унда сут ҳам заҳарга айланади.

ЭРАЗМ (АСЛ ИСМИ ВА ШАРИФИ — ГЕРТ ГЕРТСЕН), РОТТЕРДАМЛИК — НИДЕРЛАНДИЯЛИК ДОНИШМАНД. 1469-1536 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

◆ Руҳий шижоатинг сенга амр қилганларнинг барчасини, ҳатто, улар тўғри бўлганларида ҳам, гумон остида сақла.
◆ Ҳеч кимни ҳақоратламасдан ҳақиқатни гапириш маҳорати фақат тентакларгагина тўҳфа этилган.
◆ Ўз устидан қозонилган ғалабадан жасоратлироқ ҳеч нарса йўқ.
◆ Ҳар бир инсон ўз хулқида унинг қалбида эътиқод ёрдамида нима чуқур ниш урган бўлса, ўшаларни намоён қилади.
◆ Ғазабингни сочаётиб, мақтовга сазовор бўлишни хоҳлайсанми? Унда ғазабингни инсонга эмас, балки, иллатга соч.
◆ Кўп билиш ва севмагандан, оз билиш ва кўп севиш яхши.
◆ Дунё мунофиқларга тўла.
◆ Одамларнинг кўпчилиги ақлсиздирлар ва ҳар ким ўз фойдасига жиннилик қилади.
◆ Кишилик жамиятида ҳамма нарса эси пастлар томонидан ва эси пастлар ўртасида қилинади.
◆ Урушни бошлаш осон, тугатиш эса қийин.
◆ Нодонлик — такаббурликнинг онаси, фозиллик эса камтарликни туғади.
◆ Ҳақиқий обрў-эътибор, бу — бойлик учун эмас, балки, саховатпешалик учун мукофотдир.
◆ Инсоний ҳаётда ҳамма нарса шу қадар ноаниқ ва шу қадар мураккабки, бу ерда ҳеч нимани билиб бўлмайди, чоғи.
◆ Омад кам мулоҳазали, бироқ, жасур: «Бошга тушганини кўз кўрар», деган нақлни такрорлашга ўрганиб қолганларни севади. Донолик эса одамларни жўръатсиз қилиб қўяди, шунинг учун ҳам ҳар қадамда қашшоқликда, очликда яшаётган ... менсимаслик ва нафратгагина дучор донишмандларни кўрасан. Тентакларга бўлса, пуллар оқиб келадилар, улар давлат бошқаруви жиловини ушлаб олганлар ва, умуман, ҳар қанақасига гуллаб-яшнайдилар.
◆ Ҳар қандай нарса икки қиёфага эга, ва бу қиёфаларнинг бири бошқаси билан сира ўхшаш эмас. Ташқаридан — гўёки, ўлим, ичига қараганингда эса — ҳаётни кўрасан, ва аксинча, ҳаёт остида ўлим яширинади, гўзаллик остида — бадбашаралик, мўл-кўлчилик остида — аянчли қашшоқлик, шармандалик остида — шон-шуҳрат, олимлик остида — нодонлик, қудрат остида — мажруҳлик, олижаноблик остида — пасткашлик, қувноқлик остида — қайғу.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**

ИККИ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 7-мактаб-интернатнинг ўқувчи ва педагоглари «Бойсун баҳори» халқаро фестивалининг дутор турида ғолиб чиққан 10-синф ўқувчиси Муҳаммаджон Раҳимовни чин юракдан қутлашди.

Шуниси қувончлики, Муҳаммаджон «Бойсун баҳори» билан бир пайтда ўтказилган Турғун Алиматов номидаги халқ куйлари ижрочилари танловида ҳам ғолиб чиқди.

— Мен ёшларга ўз истеъдодларини намойиш этишга имкон яратилган даврда яшаётганимдан, куйларим юртдошларимга манзур бўлаётганидан хурсандман, — деди М.Раҳимов. — Бу ўринда энг аввало ўқитувчиларим, қўлимга соз тутқазган устозим Адҳамжон Исмоиловдан қарздорман.

■ **«Туркистон-пресс»**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ

таҳририяти қошидаги **«ҚАЛАМКАШ»** журналистика ўқув курсига 2002-2003 ўқув йили учун суҳбат асосида 16 ёшдан 45 ёшгача бўлган тингловчилар қабул қилинади.

Журналистика соҳаси бўйича етук мутахассислар замонавий дастурлар асосида назарий ва амалий машғулотларни олиб борадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона «Ўзбекистон овози» таҳририяти.

ЎҚИШ МУДДАТИ БИР ЙИЛ

КУРСНИ БИТИРГАНЛАРГА ҲУЖЖАТ БЕРИЛАДИ

Телефон: 136-55-05

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

МЕҲР-ОҚИБАТЛИ ЖУРНАЛИСТ

Академик шоир Ғафур Ғуломнинг биз фахрланиб эслайдиган бир гапи бор. У киши етмишинчи йилларда газетамизни «Менинг дорилфунуним», деб атаганди. Газетамиз улуғ шоиримиз учун қанчалик даражада дорилфунун бўлганини билмадигу аммо юзлаб, минглаб ёш қаламкашлар учун бу газета маҳорат мактаби бўлгани аниқ. Абдунаби Маннопов газетамиз таҳририятида меҳнат фаолиятини бошлаб, пишиган, камол топган ана шундай ҳамкасбларимиздан бири ҳисобланади.

Умр оқар сув. Ойлар, йиллар ўтиб кетди. Абдунаби кўзга кўринган журналист, ёзувчи, шоирлар: Холбек Ёдгоров, Ҳабиб Нўъмон, Маъруф Назаров, Абдукарим Нарихўжаев, Ўктам Усмонов, Саъдулла Кароматов, Анвар Эшонов, Усмон Юсупов, Муроджон Мансуров, Жўравой Холқосимов, Алижон Маъзумовлардан иш ўрганди.

Газетамизда мусаҳҳиҳ, мухбир, адабий котиб, бўлим мудири, Тошкент вилояти бўйича ўз мухбири бўлиб ишлади. Кўплаб очерк, лавҳа, танқидий мақолалар ёзди.

— Одамнинг қандайлиги оғир дамларда билинади, — деб эслайди кўп йиллар бўлим мудири бўлиб ишлаган кекса журналист, айни пайтда Тошкент педагогика университети доценти Абдуллажон Раҳимов. — Ўша даврларда газетада ишлашнинг ўзи бўлмаган. Тонггача ишда қолиб кетиларди. Саҳифа-саҳифа нутқ, докладларга қайта-қайта тузатишлар бериларди. Қўрғошиннинг гарди, қора мойларнинг ҳиди, босмахонадаги диққинафаслик. Эҳ-ҳе, қай бирини айтасиз. Ана шу оғир меҳнатнинг ҳаммасини Абдунаби кўрди.

Таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов у ҳақда бундай деган эди:

— «Ўзбекистон овози»да ўзига хос қаламкаш бор. Қалами зўр. Айниқса, тили равон. Қисқа, мазмунли жумлаларда катта фикрларни айта олади. У — Абдунаби Маннопов. Ўз устида ишласа, эринмай машқ қилса, устозлар йўлини тутса, келажакда ёзувчи бўлиши мумкин.

Абдунабининг «Йигит боши омон бўлса...», «Оққан дарё оқаверади» каби тўпламлари ўқувчилар қўлига тегди. «Осмон тўла фариштa», «Келинг, бир ўпишайлик» каби тўпламлари нашрдан чиқиш арафасида. «Уста Наби» тахаллуси остида унинг кўплаб ҳикоя ва ҳажвиялари ҳам эълон қилинган.

— Мустақиллик туфайли кўп нарсага, энг муҳими, эркин фикрлашга, ёзишга эришдик, — дейди Абдунаби. — Баъзиларга ҳайронман. Ўтиш даври қийинчиликларидан бўзлайди. Мен эса дунёда беминнат, қиммат-баҳо, беқиёс гавҳаримиз — меҳр-муҳаббат бор-ку, дейман.

Ўта камсуқум, камгап, қуруқ гапни олиб қочишдан кўра кўпроқ фикрлайдиган ҳамкасбимиз яқинда олтмиш ёшга тўлди. Қалбида касбига, халқига, Ватанга меҳр-муҳаббат, оқибат ловуллаб тургани боис кўринишдан анча ёш. Режалари эса катта, янги мавзулар, янги ниятлар илҳоми билан яшамоқда.

■ **Юнус ЗИЁДОВ**

ТАҲРИРИЯТ — ФУТБОЛЧИЛАР ҲОМИЙИСИ

Ўзининг 70 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган Сариосиё туманининг «Сариосиё ҳақиқати» газетаси муҳарририяти ажойиб ташаббус билан чиқди. Жамоа олий лигада тўп сураётган «Сурхон» футболчиларига ўзига хос ҳомийлик қиладиган бўлди.

— «Сурхон» футболчилари ўз майдонларида ўтказган учрашувларда рақиб дарвозасига киритган ҳар бир гол учун таҳририятимиз мукофот беради, — дейди бош муҳаррир Сафарали Эшмирзаев. — Бу анъана йил охиригача давом этади. Мақсад, аввало футболчиларни руҳлантириш, қолаверса, миллионлар севган ўйиннинг оммавийлигини янада оширишдир.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ТЕННИС

КИМ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

Шу кунларда юртимиз теннис ихлосмандларининг нигоҳлари Тошкент теннис марказида ўтаётган «Tashkent open» халқаро турнирига қаратилган. Жуфтлик баҳсларининг дастлабки учрашувида вакилларимиз Оқгул Омонмуродова, Иванна Исроиловалар россиялик Анна Бастрикова, украиналик Юлиана Федакларни (6/3, 4/6, 6/3) мағлубиятга учратишганди. Аммо, кейинги учрашувда испаниялик Нурия Вивес Ллагостера, Ма Жойс Мартинезлар ҳамюртларимизни доғда қолдирдилар — 6/4, 6/4.

Кеча эса турнирнинг жуфтлик баҳсларида ярим финал учрашувлари ўтказилди. Унда Миа Бурич (Германия)/Галина Фокина (Россия) — Нурия Вивес Ллагостера/Ма Жойс Мартинес (Испания) (6/1, 7/6), Гулнора Фатҳиддинова /Екатерина Козхокина (Россия) — Татьяна Перебиюнис (Украина)/Татьяна Пучек (Белоруссия)лар жуфтликлари рўбарў келишди. Бугун ушбу баҳслар ғолиблари жуфтлик мусобақалари финалида кортга чиқадилар.

Шахсий биринчилик учрашувлари ҳам муросасиз давом этмоқда. Кеча мазкур мусобақанинг чорак финал баҳслари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: Гарбин — Камерин (иккаласи ҳам Италиядан) — 6/4, 6/1, Скавронская(Россия) — Пучек(Белоруссия) — 6/4, 6/1.

Соврин жамғармаси 140 минг АҚШ долларини ташкил этган мазкур турнир ғолиблари эртага аниқланади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ҚАЗҒОҚҚА ҚАРШИ ТАДБИР

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан XXI аср СПИД ва замбуруғли касалликлар асри деб белгиланган. Бу бежиз эмас. Зеро, ер юзида касалликларнинг ушбу гуруҳи кўпайишига кўмаклашувчи жараёнларнинг кучайиши кузатилмоқда. Атроф-муҳитнинг бузилиши, асабийлашув, турли-туман антибиотикларнинг назоратсиз истеъмол қилинаётганлиги бунга сабаб бўлаётир. Бугунги кунда замбуруғли касалликларнинг энг кўп тарқалгани қазғоқ ҳисобланади. Олимларнинг таъкидлашича, қазғоқ бош терисининг замбуруғли касалликка учрашининг оқибати экан. Ҳар бир инсон бош терисида микроскопик замбуруғ мавжуд. Нормал шароитда у безарар, лекин ноқулай экология, асабийлашиш ва иммун тизимининг бузилиши замбуруғнинг кўпайишига кўмаклашади. Натижада микрофлора уйғунлиги бузилиши рўй бериб, қазғоқ ҳосил бўлади.

2002 йил январдан бошлаб мамлакатимиз ҳудудида замбуруғли касалликларни эпидемиологик ўрганиш дастури бўйича иш олиб борилмоқда. Дастур доирасида қазғоққа қарши тадбир ҳам ўтказилаётир. Уни ўтказишда «Низорал-шампун» савдо белгиси техник ёрдам кўрсатмоқда. Дарвоқе, ушбу шампун қазғоққа қарши муваффақиятли курашда жуда кўл келади. Зеро, у бош терисининг юқори қатламига кириб бориб замбуруғни йўқотади ва узоқ муддат терида сақланиб замбуруғ ва қазғоқдан асрайди. Дарвоқе, мамлакатимиз пойтахтида дастур доирасида «Қазғоққа қарши» телефон алоқаси (116-86-86) фаолият кўрсатмоқда.

■ **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ**

Собир Раҳимов туманидаги Чустий номли 278-мактаб томонидан Султон Аҳматович Игамбердиев номига берилган UZA 044481 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» жамоаси таниқли журналист, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Умида Файзиевага онаси

МАНЗУРА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси Андижон вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси эксперти

Ўткир Муҳамедович БОТИРХОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 77-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
17
74
82
32
67
11
40
81
25
41
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
30014373.2

2 ТУР
28
19
61
72
53
21
50
71
5
86
51
48
26
64
37
73
66
2
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
60016015.3
90003302.3

3 ТУР
30
13
27
83
10
36
68
90
77
80
8
3
44
57
65
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
30012163.3

4 ТУР
55
24
76
12
70
54
78
7
35
52
4
89
84
38
58
85
75
16
31
Сони: 2
Сумма: 5500000
Чипталар рақами
20075497.1
80100398.3

5 ТУР
87
79
18
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
10086883.3
20025502.1
60087591.2

6 ТУР
69
43
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
40066143.1
50014554.3

7 ТУР
88
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
30094911.3

8 ТУР
20
Сони: 4
Телевизор
Чипталар рақами
30042308.1
40023101.3
50007166.3
70070376.1

9 ТУР
29
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
10033051.3
40014056.2
60003155.1

10 ТУР
42
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
10051314.2
50001418.3
90081507.3

11 ТУР
63
Сони: 4
Сумма: 1500

12 ТУР
23
Сони: 8
Сумма: 1400

13 ТУР
22
Сони: 7
Сумма: 1300

14 ТУР
33
Сони: 17
Сумма: 1200

15 ТУР
59
Сони: 27
Сумма: 1100

16 ТУР
9
Сони: 42
Сумма: 1000

17 ТУР
39
Сони: 50
Сумма: 900

18 ТУР
45
Сони: 162
Сумма: 800

19 ТУР
62
Сони: 214
Сумма: 700

20 ТУР
1
Сони: 335
Сумма: 600

21 ТУР
14
Сони: 542
Сумма: 500

22 ТУР
34
Сони: 753
Сумма: 400

23 ТУР
56
Сони: 1080
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 27
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
6, 15, 46, 47, 49, 60

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 20 июндаги 78-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
2 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
3 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
4 ТУР – «Нексия» автомобили,
5-10 ТУРЛАР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,

Қолган турларда пул ютуқлари.
Чипта баҳоси – 300 сўм

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 27 июндаги 79-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 тур – ҳар бир ютуқ ТЕЛЕВИЗОР
2 тур – ҳар бир ютуқ ТЕЛЕВИЗОР
3 тур – ҳар бир ютуқ ТЕЛЕВИЗОР
4 тур – NEXIA автомобили
5, 6, 7, 8, 9, 10 турларда – ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
Ва қўшимча пул ютуқлари

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00-дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари, ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Диққат янгилик! Имконият бир марта берилади, бу ҳам бўлса фақат «Яхши ният» лотереясида 2002 йил 4 июлдаги 80-тантанали тиражда 1-чи турдан 10-чи турга ча ўзингиз ва фарзандларингиз учун 2 хонали уйлар Тошкент шаҳрида ҳужжатлаштириш имкони билан ўйналади. Ўйнанг!!! Бахтингизни қўлдан бой берманг!

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 471

Topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA